



АДРЕСАНТ-АДРЕСАТ МУНОСАБАТЛАРИДА ДАСТХАТ МАТНИНИНГ ФАРҚЛИ ТАСНИФИ

Сулаймонов Маъсуджон Муминович¹,
Абдуразакова Шохсанам Тожибоевна²

¹ Республика маънавият ва маърифат маркази, Фарғона вилоят
бўлими мудири,

² Фарғона давлат университети 1-босқич магистранти
Лингвистика: Инглиз тили

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6625535>

ARTICLE INFO

Received: 28th May 2022

Accepted: 02nd June 2022

Online: 08th June 2022

KEY WORDS

дастхат, автограф,
адресант, адресат,
социолингвистика

ABSTRACT

мазкур мақолада дастхат сўзининг луғавий маънолари, адресант-адресат муносабатларига асосланиб турларга таснифланиши, дастхатларининг функционал жиҳатдан хосланиши ва аҳамиятлилиги тўғрисида сўз олиб борилган.

Замонавий тилшуносликда турли хил жанрларга оид матнларнинг чуқур таҳлилига эътибор қаратилиб келинмоқда, уларнинг тадқиқотда алоҳида ўрин эгаллаши бунинг ёрқин мисолидир. Матнлар ичида дастхат матнининг тадқиқи қизиқарли, мураккаб ҳамда илмий ва амалий аҳамиятга эга бўлган жараён бўлиб, кўплаб тилшунослик, психология ва социолингвистика каби соҳа вакиллари ўзига жалб қилмоқдаки, бу соҳанинг ривожланиши ҳамда равнақи учун бир қатор илмий изланишлар олиб борилмоқда, шу жумладан, ўзбек тилшунослигида тилнинг социолингвистик хусусиятларига оид мавзуда Р. Қўнғуров, Э. Бегматов, Б.Ўринбоев, А. Нурмонов, Ё.Тожиев, Н. Маҳмудов, С. Мўминов, Ш. Искандарова, М. Саидхонов, А. Омонтурдиев каби тилшунос олимлар ўзларининг илмий

ишлари билан ўз хиссаларини қўшганлар. Дастхат матни билан иш олиб боришдан аввал, дастхат сўзининг луғавий маъносига эътибор қаратар эканмиз, унинг ўзбек тилида бир неча тушунчани англатишини учун унинг луғавий маънолари ҳақида тўхталиб ўтишимизга тўғри келади. Чунки ҳар қандай инсоннинг қўли билан ёзилган ёзув биз ўрганаётган мавзунинг объекти бўла олмайди. Бунинг учун биз дастхат тушунчасига ойдинлик киритиб, уни маълум даражада чегаралаб оламиз. Дастхат (автограф) сўзи форс-арабча бўлиб, қўл билан битилган, шахснинг ўз қўли билан ёзилган хати ; ҳар бир шахс ёки ёзувчининг ўз қўли билан ёзган хати каби маъноларни англатади. Атоқли шахслар, илм-фан, санъат, адабиёт ҳамда давлат намояндаларининг турли музей, институт, архив ёки айрим шахсларда



сақланадиган ёзувлари автографнинг қимматли ёдгорлиги, намуналаридир. Масалан, Ҳамза, Абдулла Қодирий, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Ҳамид Олимжон каби таниқли ижодкорларнинг шахсий архив ёки адабиёт музейларида сақланаётган асарларининг қўлёзмалари ҳамда китобларига эсдалик учун ёзиб берган дастхатлари, автограф намуналари шулар жумласидандир”. Биз ана шулардан келиб чиқиб, дастхатни “шахснинг ўз қўли билан ёзган ёзуви ёки имзоси”, яъни автограф нуқтаи назаридан тадқиқ этамиз. Демак, дастхат шахснинг ўз қўли билан ёзган ёзуви ёки имзоси бўлиб, таниқли шахс ва бошқаларнинг ўз мухлисларига билдирадиган, эсдалик китоблари ҳамда бошқа муассасаларга ёзиб қолдирадиган тилаклари, муносабатлари ифодаланган ёзма матндир.

Дастхат-соф нутқий индивидуал ҳодиса бўлиб, адресатларнинг таниқли шахслар билан учрашганлиги, улар билан мулоқотда бўлганлигининг гувоҳи, далолатномасидир. Ёзма шаклдаги бу матн қисқа ва чуқур мазмунга эга эканлиги билан ажралиб туради: Ёш дўстим ва ҳамкасбим Саид Аҳмадга юракдан ёдгорлик. Ойбек. 18.04.50.

Дастхатни соф лингвистик нуқтаи назардан тадқиқ этиш билан унинг барча характерли хусусиятларини ёритиш мумкин эмас. Чунки дастхат сўзловчининг айтмоқчи бўлган гапини тингловчига етказувчи восита ҳисобланиб, сўзловчининг нафақат нутқи, балки унинг нутқ жараёнидаги ижтимоий ҳолати, руҳияти, миллати, касби, қизиқиши, диққат даражаси каби кўринишларини ўзида қамраб олади ва

шу жиҳатдан ҳам мураккаблик касб этади.

Дастхат адресант (жўнатувчи) ҳамда адресат (қабул қилувчи)нинг муносабатларига таяниб, унга кўра дастхатлар қўидаги турларга таснифланади:

1. Давлат арбобларининг эсдалик китобларига ёки мухлисларига ёзган дастхати
2. Таниқли кишининг мухлисига ёзган дастхати
3. Устознинг шогирдга ёзган дастхати
4. Дўстнинг дўстга ёзган дастхати
5. Ижодкорнинг ижодкорга ёзган дастхати
6. Тенгдошнинг тенгдошга ёзган дастхати
7. Шахсларнинг эсдалик китобларига ёзган дастхатлари

Давлат арбоблари бирор жойга расмий ташриф буюрганларида, учрашувларда улардан дастхат ёзиб қолдиришларини сўрайдилар. Бундай дастхатлар турли хил идора ва ташкилотларда, музейларда сақланиб қолади. Бу дастхатлардан таниқли кишиларнинг шу ерда бўлганини, нима билан танишганини, ўша вақтдаги руҳий ҳолати ва вазиятини билиб олиш мумкин.

Машҳур инсоннинг ўз мухлисига, устознинг шогирдга, дўстнинг дўстига, ижодкорнинг ижодкорга ёзган дастхатлари ҳам бир-биридан социал (ижтимоий) ҳамда лексик-морфологик хусусиятлари билан фарқланади. Инсонлар музейга ёки шу каби ўз тарихига эга бўлган жойларга борар экан, ўша жойлардан олган таассуротларини эсдаликлар китобига ёздириб қолдиришга ҳаракат



қиладилар. Бундай дастхатлар бошқа дастхатлардан тубдан ва мазмунан фарқланади. Эсдаликлар китобига ёзилган дастхатларда матн ҳажмининг кенглиги, бир неча синтактик конструкцияларнинг қўлланиши каби хусусиятлар учрайди. Шахсларнинг услубларида ҳам ранг-баранглик кузатилади.

Эсдаликлар китобига ёзилган дастхатлар матнида асосий мақсад тилак, ният бўлмай, балки уларда миннатдорчилик, мулоҳаза етакчилик қилади. Мисолларга мурожаат қиладиган бўлсак,

11 июн 1990 йил.

Ҳамза... мен сенинг номингни тилга олганимда ўзингдай жўшқин, ўзингдай табассумли, ўзингдай қувноқ ўзбек шеърятини ҳис қиламан. Сен билан «мушоира» давраларида бўлгим келарди чин ҳавасим билан. Мана, бугун ўз шеърларингни, сенга аталган жўшқин мисраларни хаёлан ўқиб, сенга шогирдлик бурчимни изҳор қила олсам гоят бахтиёрман.

Имзо. Абдували

Абдураимов. (Қўқон адабиёт музейидан)

Адресантлар ўз дўстига дастхат ёзганида ўзининг яқин муносабатини ифода этади. Бу дастхатлар самимийлиги, услуби, мазмуни билан ажралиб туради. Шунингдек, бошқа турдаги дастхатлар таҳлилида ҳам ўзига хосликлар мавжуд. Юқорида келтирилган дастларнинг турлари бир-бирларидан лексик, морфологик, синтактик ҳамда услубий жиҳатдан бир-биридан фарқ қилсада, лекин унда ҳар доим адресант-адресат муносабатлари мавжуд бўлади. Бундан ташқари, дастхат адресантларининг турлари ҳам

тадқиқ этилган. Дастхат битган кишилар турли хил касб эгалари бўлганлиги сабабли, уларнинг дастхатлари бир-биридан функционал жиҳатдан хосланади ва аҳамиятлилиги, фаоллиги нуқтаи назаридан уларни шартли равишда қуйидагича тасниф қилиш мумкин:

1. Давлат арбоблари дастхатлари
2. Ёзувчи ва шоирлар дастхатлари
3. Олимлар дастхатлари
4. Санъаткорлар дастхатлари
5. Спортчилар дастхатлари

Мазкур адресантларнинг дастхатлари бир-биридан кескин фарқланади. Унда тил бирликлари ҳам ўзига хос тарзда қўлланилади. Дастхатлар адресантлари қайси ижтимоий гуруҳ вакиллари бўлса, уларнинг дастхатларида ўша доирада қўлланидиган лексика фаол иштирок этади. Масалан, олимларнинг дастхатлари санъаткорлар ва спортчиларникидан фарқланганини қуйида кўриб чиқсакда, келтирилган фикрларга асоси-далил бўлиб хизмат қилар эди.

Альберт Эйнштейн машҳур физик, олим ўзининг ҳаёти давомида кўплаб одамлар билан хатлар ёзишган. Улар орасида кўплаб олимлар, фан арбоблари, қироллик оиласига мансуб инсонлар, таниқли ёзувчилар ва рассомлар бўлган. Бундан ташқари Альберт Эйнштейн илмий фаолиятдан узоқ бўлган оддий инсонлар ва ҳаттоки болалар билан ҳам сон-саноксиз хатлар ёзиб турар эди. Ёзилган хатларнинг мазмуни бир-биридан тубдан фарқ қилар, турли илмий саволлар билан бир қаторда болаларча сўралган саволлар ҳам учраб турар эди, лекин олим бу саволларни жавобсиз қолдирмас эди. Ушбу саволларга ёзилган жавоблар,



дастхатлар ҳанузгача сақланиб қолган. 1943 йилда А.Эйнштейн мактабда математика фанини ўзлаштиришга қийналаётган жажжи қизалоқнинг хатига жавобан ушбу сатрларни қоралаган: "...Do not worry about your difficulties in Mathematics. I can assure you mine are still greater. Best regards Professor Albert Einstein." (Математика фанидан қийинчиликларингдан хавотирга тушма, сени ишонтириб айтаманки, менинг қийинчиликларим сеникидан каттароқдир. Профессор Альберт Эйнштейн)

Юқоридаги мисолдан кўриниб турибдики, олимнинг кичик ёшдаги мухлисига ёзган дастхатида болаларга оид лексикондан фойдалангани ҳамда қўллаб-қувватлаш ва рухан инсон қалбини, гарчи кичик ёшдаги бўлса ҳам, кўтариш каби инсоний фазилати акс этган.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, адресант-адресат муносабатларидаги дастхатнинг бир-бирдан фарқли жиҳатларига эга бўлиши, дастхат матнини ўрганувчи соҳа вакилларининг янада изланишлар олиб боришга ҳамда ривожантиришга ундайди.

References:

1. Ўзбек тилидаги дастхатларнинг социолингвистик тадқиқи, филол. фанлари д-ри дис. автореф. – Ф, 2009
2. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. I том. – Тошкент, "Ўзбекистон Миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти, 2006.
3. Ҳотамов С., Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг қисқача изоҳли луғати. – Тошкент, 1979.
4. Саид Аҳмад. Йўқотганларим ва топганларим.-Тошкент, Шарқ, 1999.
5. <https://www.einstein-website.de>